



ФУҚАҲОЛАР ТАЪЛИМ ОЛГАН ҲАДИС МАКТАБЛАРИ

Абдулҳамидов Файзуллажон Нишанович

Тошкент ислом институти

Ўқитувчиси Зангиота тумани

Андалуз жомеъ масжиди имом ноиби

+998977561346

Аннотация: Бу мақолада Муқаддас ислом динимизда “Муҳаммад (сав)нинг ҳадислари” асосий манба эканлиги ҳақида сўз боради. “Фақиҳларнинг ҳадисларни” текширишдаги ва ҳадисга амал қилиш қандай бўлишини очиқлаб берган. “Ҳанафий олимларининг наздида суннат” тушунчаси бироз кенгроқ эканлиги ҳақида қисқача маълумот берилган.

Abstract: This article discusses the main source of the Holy Islam, the “Hadiths of Muhammad (peace be upon him). It explains how “jurists” examine hadiths and act on them. It briefly explains that the concept of “Sunnah” is somewhat broader in the eyes of Hanafi scholars.

Аннотация: В этой статье обсуждается основной источник Священного Ислама — «Хадисы Мухаммада (мир ему). В ней объясняется, как «юристы» исследуют хадисы и действуют на их основе. В ней кратко объясняется, что понятие «Сунна» несколько шире в глазах ученых-ханафитов.



Муқаддас ислом динимизнинг асосий манбаларидан бири Муҳаммад (сав)нинг ҳадислари бўлиб, барча фуқаҳолар ҳадисларнинг Қуръони каримдан кейинги асл манба эканлигига бирдек иттифоқ қилганлар. Қуръонда зикри келмаган ёки батафсил айтиб ўтилмаган минглаб ҳукмлар ҳадислар орқали бизга етиб келган.

Усул ва фикҳ олимларининг талқинида Қуръони карим “Китоб”, ҳадислар эса “Суннат” деб аталади. Китобга амал қилиш қанчалик вожиб бўлса, суннатга ҳам шундай вожибдир.

Аллоҳ таоло шундай буюради:

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида талашиб қолсангиз, агар Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтарингиз! Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир.”¹

Яна қуйидаги оятда ҳам бунга далил бор:

“Очиқ ойдин баёнотлар ва китоблар ила (юбордик) Ва сенга одамларга нозил қилинган нарсани ўзларига баён қилиб беришинг учун Зикрни нозил қилдик. Шоядки тафаккур қилсалар.”²

Китоб ва суннатни маҳкам тутиш зарурлиги ҳақида бундан бошқа кўплаб далиллар мавжуд. Ислом уммати китобдан маълум бир масала учун бирор ҳукм топа олмасалар суннатдан ҳужжат келтириш лозимлигига ижмо қилганлар. Суннатдан ҳужжат олиш ва унга амал қилиш хусусида барча мазҳаблар бирдек иттифоқ қилганлар. Уламолар ўртасидаги ихтилоф суннатни тушуниш, уни нақл қилиш ва таҳрир қилишдагина кўзга ташланади. Суннатнинг бизгача мутавотир, машҳур ва оҳод йўллар билан етиб келиши, уларнинг ҳар бирининг қоидалари, шартлари,

¹ Нисо сураси 59-оят

² Наҳл сураси 44-оят



ровийнинг ҳолати ва ҳаказолар сабабли уламолар ўртасида ҳужжат олишда бироз ихтилофлар юзага келган.

Аслини олганда ҳадисларнинг пайғамбаримиз (сав) га етиб бориш йўллари таҳрир қиладиган, саҳиҳини заифдан, оҳодини машҳур ва мутавотирдан ажратиш учун фақиҳларнинг ҳам ўзиган хос мадрасалари бўлган. Фақиҳларнинг ҳадис мадрасалари ҳадисларни текшириш ва тадқиқ қилишда муҳаддисларнингкидан тамоман фарқли ҳисобланган.

Муҳаддислар бутун диққат-эътиборларини ҳадисларнинг санади, риждолларини таҳқиқ қилишга сарф қилган бўлсалар, фақиҳлар ҳадислардаги маъноларнинг шариат қоидалари ва асосларига тўғри келишини текшириш билан машғул бўлганлар. Чунки ислом унда бир-бирига зид бўлган ҳукмлар бўлиши тасаввур қилинмайдиган ягона шариатдир. Ҳадисларда дуч келинадиган баъзи қарама-қаршиликларнинг сабаби эса агар-чи сиқа ҳисоблансаларда, инсон эканликлари ва саҳвга йўл қўйишлари мумкинлигидан ровийларнинг унутган эканликларига йўйилади ва шунинг учун ҳадисларни кўплаб йўллар орқали текшириб, бир-бирига солиштириб чиқилади. Шаръий далиллардаги маъноларга зид келиб қолган ҳадис таъвил қилинади, имкон қадар ҳадислар орасини жамлашга интилиб, бунинг имкон бўлмаса бу ҳадисга амал қилинмайди.

Фақиҳларнинг ҳадисларни текширишдаги яна бир йўллари ушбу ҳадисни саҳоба ва тобеъинлар тарафидан қабул қилинганлини ва амалда жорий этилганлигини текшириш бўлган. Қайсики бир ҳадисни саҳоба ва тобеъинлар қабул қилиб амалда қўллаган бўлсалар демак бу ўта ишончли ҳадис ҳисобланади. Чунки саҳобалар пайғамбаримиз (сав) дан нимани кўрган бўлсалар, нимани эшитган бўлсалар ҳеч ўзгартиришсиз тўлиғича ҳаётларига татбиқ қилганлар. Тобеъинлар эса пайғамбаримиз билан бирга яшаган зотлардан ўрганганлар. Муҳаддисларнинг



йўлларига кўра ровийнинг адолатли бўлиши ҳадиснинг саҳиҳ деб ҳисобланиш шартларидандир. Фақиҳларнинг саҳоба ва тобеъинларнинг киборлари қабул қилган ва амалда қўллаган ҳадисларини саҳиҳ деб ҳисоблашлари ҳам шу жиҳатдан бўлиб, бу зотларнинг адолатли бўлганликларида шубҳа йўқдир. Фақат бир нозик фарқни кузатишимиз мумкин. Адолатли ровий башар бўлгани сабабидан хато ва саҳвга йўл қўйиш эҳтимоли бор. Лекин умматнинг киборлари қабул қилиб амалда қўллаган ҳукмлар хато бўлиши мумкин эмас. Чунки ислом уммати ҳеч қачон залолат устида бирлашмайди.

Ҳанафий олимларининг наздида “суннат” тушунчаси бироз кенгроқ бўлиб, саҳобалар розияллоҳу анҳумларнинг қавллари ва феълларини ҳам ўз ичига олади. Ҳанафий мазҳабида саҳобанинг сўзидан олинган жуда кўп масалалар мавжуд бўлиб, санаб саноғига етиш қийин.

Сарахсий “Усулус Сарахсий” китобида шундай дейдилар:

“Суннат – бу Расулуллоҳ (сав) нинг ва у зотдан сўнг саҳобаларнинг йўлидир”.³

Аллома Мулла Жийван: “Суннат – бу Расулуллоҳ (сав) нинг сўзлари, феъллари, сукутлари, саҳобаларнинг сўзлари ва феълларига нисбатан ишлатиладиган истилоҳдир” деганлар.⁴

Ҳанафийларнинг суннат деганда саҳобаларнинг қавллари ва феълларини ҳам киритишлари ўта муҳим ҳисобланиб, шариатнинг кўп қисмини ташкил қиладиган масалаларни ечишда манба бўлиб хизмат қилган. Айниқса Кўфа мадрасасининг шайхлари Али ва Ибн Масъуд (ра) нинг илмий меросларини тилга олиш жуда ўринли.

³ Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (927–1212). Усулус Сарахсий (Ж.2). Ҳайдаробод: Лужнату ихёул-маъориф ал-усмонийя. – Б. 69

⁴ Шайх Аҳмад Мулла Жийван (1130–1048 х) . Нурул анвор . (Ж.2) Карачи: Мактабатул бушро. – Б. 20



Саҳобалар Китоб ва Суннатдаги далилларни яхши тушунишар, шореънинг муродини тўғри англашар эди. Чунки у зотлар ваҳий нозил бўлиб турган вақтларда, пайғамбаримиз (сав) билан бир замонда яшаганлар.

Умар ибн Хаттоб (ра) халифалик даврларида инсонларни огоҳлантириб, “Амалдаги ҳолатга ҳилоф бўлган ҳадисни ривоят қилишдан ман қиламан” дейишлари ҳам шундан эди.⁵

Ибн Абу Ҳозим айтадилар: “Абу Дардодан баъзи нарсаларни сўрашар эди, у зот жавоб берар эдилар. Шунда “бизга бошқачароқ ҳадислар етиб келди” дейишар эди. У зот эса, “бу ҳадислар менга ҳам етиб келган, лекин мен амалда бошқача қилинганини кўрганман” дер эдилар”. Бу ҳам ислом умматининг қабул қилиб олиши ва амал қилишининг ҳужжат эканига ёрқин далилдир.

Тобеъинларнинг энг киборларидан саналган Иброҳим Наҳаъий айтадилар:

“Агар саҳобаларнинг қўлларини билакларигача ювиб таҳорат олаётганларини кўриб қолсам, гарчи Китобда “тирсакларингизгача ювингиз” оятини ўқиб турган бўлсам-да мен ҳам шундай таҳорат олар эдим”. Чунки у зотлар суннатни тарқатишлари мумкинлиги тасаввур қилинмайдиган кишилар, беқиёс илм эгалари, шу билан бирга Қуръон ва суннатга эргашишга энг ҳарис инсонлардир.⁶

Саҳобаларнинг қавлларини олиш фақат ҳанафийларга хос бўлмай, бошқа мўътабар мазҳабларда ҳам далил сифатида олинади.

Ирбоз ибн Сориядан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (сав) дедилар:

⁵ Муҳаммад Аввома . Асару ҳадис шариф фи ихтилафи аимматил фуқаҳо. Байрут: Дарул башоирил исламийя. – Б. 64

⁶ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад . (737х). Ал Мадҳол Ибнүл Ҳож. (Ж.1) Қоҳира: Дорут турос. – Б. 129



“Мендан кейин сизлардан ким яшаса кўп ихтилофларни кўради. Шунда менинг ва рошид халифаларнинг суннاتини маҳкам тутинг”⁷

Фақиҳларнинг наздиларида машҳур ҳадис деб уммат қабул қилиб амалда қўллаган оҳод хабарга нисбатан ҳам ишлатилади.

Жассос айтадилар:

“Уммат қабул қилган ҳадислар гарчи оҳод хабарлардан бўлса-да, у менинг наздимда мутавотир даражасидадир. У иймон келтириш қатъий бўлган илмни вожиб қилади ва у билан Қуръонни хослаш мумкин.”⁸

Баъзан оҳод хабар келган бўлса-да уммат унга амал қилмай бизга далили етиб келмаган бир ишга амал қилсалар, умматнинг бу иттифоқи оҳод хабардан устун туради. Абу Ҳурайра (ра) дан “ким ўлик ювса ғусл қилсин, ким маййитни кўтарса таҳорат қилсин” деган ҳадис ривоят қилинган бўлсада, фақиҳлар унинг хилофига ижмо қилишган. Бунга ўхшаган кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Яна бир мисол: “Аллоҳнинг исмини зикр қилмаган кишининг таҳорати таҳорат эмас” ҳадиси ҳам оҳод хабарлардан бўлиб, фақиҳлар бунинг хилофини айтадилар. Яна дейдиларки, бир ровий тарафидан хато ўтиши мумкин, ёки у ҳадиснинг насх бўлгандан беҳабар бўлиши мумкин, лекин ижмо хато бўлмайди.

Ҳанафийлар ҳадисларнинг қуввати, бизгача етиб келиши ва пайғамбаримиздан (сав) собит бўлишига қараб турлича тақсимлайдилар. Хукмларни фарз, вожиб, суннат, ҳаром ёки макруҳ дейиш учун далилларнинг қувватига риоя қиладилар. Таҳорат, намоз, ҳаж ва бошқа шунга ўхшаш руқнларни исбот қила олиш учун қатъий

⁷ Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас. (202–275 х) Сунани Абу Довуд. Макка: Дарол Баз.

⁸ Аҳмад иб Али Ар Розий Абу Бакр Жассос. (305–370) Ал фусул фил усул. (Ж.2) Қувайт: Вузароту авқофил кувайтийя. – Б. 175



далил керак дейдилар. Оҳод хабарни Қуръондан, мутавотир ва машҳур хабардан кейинги ўринга қўядилар.

Ҳанафий фақиҳлар наздида ҳадислар қуйидагича тақсимланади:

1. Суратан ҳам маънан ҳам шубҳасиз тўлиқ иттисол билан пайғамбаримиз (сав) га боғланган хабарлар, булар “Мутавотир” деб аталади.
2. Пайғамбаримиз (сав) га боғланишида суратан биров шубҳа бор бўлган хабарлар, булар “Машҳур” деб аталади. Биринчи асрда ислом умматининг бу ҳадисларни тўғри деб қабул қилиши ва амалда қўллаши ундаги шубҳани кетказган.
3. Пайғамбаримиз (сав) га боғланишида суратан ва маънан шубҳа бор бўлган хабарлар, булар “Оҳод” деб аталади. Суратан шубҳа борлигига сабаб, бу ҳадисларнинг расулуллоҳ (сав) га боғланиши қатъий собит бўлмаган. Маънан шубҳа борлиги эса, ислом уммати уни тўғри деб қабул қилмаганидир.⁹

Мутавотир ҳадис қатъий илмни вожиб қилади ва уни инкор этиш куфр саналади.¹⁰

Машҳур хабар эса қалбни хотиржам қилиш даражасидаги илмни вожиб қилади ва уни инкор қилиш бидъатдир.

Олимлар ўртасида мутавотир ва машҳур хабар билан собит бўлган маслалаларга амал қилиш хусусида ихтилоф йўқ. Уламаолар оҳод хабарни олиш услубида турлича қарашларга эгадирлар. Ҳанафий олимлар ровийларни икки турга ажратадилар. Фақиҳ ровий ва фақиҳ бўлмаган ровий. Фақиҳ ровийлар сирасига тўрт халифа Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, шунингдек кибор саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Зайд ибн Собит, Муоз ибн Жабал ва шу каби илм у ижтиҳодда танилган саҳобаларни киритадилар.

⁹ Фаҳрул ислом Баздавий (1009–1089). Усулул Баздавий. (Ж.2). Мадина тул Мунаввара : Дарус сирож. – Б. 360

¹⁰ Низомуддин Шоший . (х. 600) . Усулуш Шоший. Байрут: Дарул кутубил илмийя – Б. 169



Иккинчи қисмдаги ровийлар адолатли, ҳифзи ўткир бўлсалар-да аммо ижтиҳод ва фатво билан танилмаганлар. Улар Абу Хурайра ва Анас ибн Молик каби буюк саҳобалардир.

Ҳанафийлар наздида фақиҳ бўлиб танилган ровийнинг ривоят қилган оҳод хабари шаръий қиёсга зид келиб қолса оҳод хабарга амал қилинади. Фақиҳ бўлмаган ровийнинг оҳод хабари қиёсга зид келиб қолса, хабарни тарк қилиниб қиёсга амал қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф . Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. –Тошкент: Ҳилол нашр, 2018. –Б. 74
2. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. Арриёд: Байтул афкор ад дувалийя лин нашр ват тавзеъ. 1998. –Ж.2. –Б. 121
3. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий. Сунани Доримий. –Арриёд: Дарул муғний лин наш ват тавзеъ, 2000. –Ж.4. –Б. 1944
4. Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ал Марғиноний. “Ал ҳидоя шарҳу бидаятил мубтадиъ”. Дамашқ. Дарул фаиҳа, 2019. - Б. 628
5. Муҳаммад ибн Ҳасаан Аш-Шайбоний. “Ал-Асл”. Байрут. Дар Ибн Ҳазм, 2016. - Б. 444 .
6. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Фароиз ва васиятлар . Тошкент:. Шарқ нашриёти. 2005. - Б.139.
7. Муҳаммад Али Собуний. Ал маварийс фиш шарий’атил исламийя фий зовъил китаби вас суннати. – Карачи: Бушро, 2018. – Б. 18.
8. Сирожиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Сажовандий. Шархус сирожийя. – Истанбул: Сирач яйин эви, 2021. – Б. 80.



9. Доктор Ваҳба Зухайлий. Ат тафсийр ал мунир фил ақийдат ваш шарийъати вал манҳаж. – Байрут. Дарул фикр, 2018. – Ж. 2. – Б. 612.
10. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (927–1212). Усулус Сарахсий (Ж.2). Ҳайдаробод: Лужнату ихёул-маъориф ал-усмонийя. – Б. 69
11. Шайх Аҳмад Мулла Жийван (1130–1048 х) . Нурул анвор . (Ж.2) Карачи: Мактабатул бушро. – Б. 20
12. Муҳаммад Аввома . Асару ҳадис шариф фи ихтилафи аимматил фуқаҳо. Байрут: Дарул башоирил исламийя. – Б. 64
13. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад . (737х). Ал Мадхол Ибнул Ҳож. (Ж.1) Қоҳира: Дорут турос. – Б. 129
14. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас. (202–275 х) Сунани Абу Довуд. Макка: Дарол Баз. Аҳмад иб Али Ар Розий
15. Абу Бакр Жассос. (305–370) Ал фусул фил усул. (Ж.2) Қувайт: Вузароту авқофил кувайтийя. – Б. 175
16. Фахрул ислом Баздавий (1009–1089). Усулул Баздавий. (Ж.2). Мадинатул Мунаввара : Дарус сирож. – Б. 360
17. Низомуддин Шоший . (х. 600) . Усулуш Шоший. Байрут: Дарул кутубил илмийя – Б. 169